

## ДАСТУРЛИ ГЕМОДИАЛИЗ БЎЙИЧА ГИПОТЕНЗИВ ЭПИЗОДЛАРНИ ТАШХИСЛАШ, ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ

Ортиқбоев Ж.О.,

Ташкентский педиатрический медицинский институт.

### ✓ Резюме

Сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) бирламчи ёки иккиласми сурункали буйрак касалликларида нефроларнинг қайта тикланмаслиги натижасида келиб чиқадиган белгилар мажмуасидир. СБЕ қайд қилиш сони турли мамлакатларда 100 миллион канталар орасида 100-600 оралигуда қайд қилинади. Илмий таҳлилий мақолада дастурли гемодиализдаги беморларда гипотензия эпизодлари учун турли ёндашувлар ва ўзгаришлар самарадорлиги мониторингни қилиш имкониятларини таҳлил қилинган. Юқори ультрафильтрацияли гемодиализ сеанси жараёнида ўткир гипотензиянинг хавфли асорати бўлиб қолмоқда, бу эса шу ўринда сурункали дастурли гемодиализдаги беморларда асоратлар учраши хавфи кучайиб, асосан юрак-қон томир касаллаликларига ва ўлимга олиб келиши билан асоратланади. Амалий тиббий жараённимизда гипотензия олдини олиш ва даволаш учун янги ёндашув ишлаб чиқилди, ўз вақтида ультрафильтрация тезлизгини камайтириши имконини бериб, гипотензия эпизодларининг ривожланишини олдини олиш, унинг учраши сонини камайтириши ва артериал босимнинг мутадил ҳолатда ушлаб туриши имконини берадиган тизими даво тавсиялари ишлаб чиқилди.

Калим сўзлар: сурункали буйрак касаллиги, гемодиализ асоратлари, артериалқон босими, гипотензия.

## НОВЫЕ ПУТИ К ДИАГНОСТИКЕ, ПРОФИЛАКТИКЕ И РЕГУЛЯЦИИ ГИПОТЕНЗИВНЫХ ЭПИЗИДОВ НА ПРОГРАММНОМ ГЕМОДИАЛИЗЕ

Ортиқбоев Ж.О.,

Ташкентский педиатрический медицинский институт.

### ✓ Резюме

Хроническая почечная недостаточность (ХПН) - симптомокомплекс, вызванный необратимой гибелю нефронов при первичных или вторичных хронических заболеваниях почек. Частота ХПН колеблется в различных странах в пределах 100-600 на 1 млн взрослого населения. В статье приведены мониторинг эффективности различных подходов и корректировок на эпизоды гипотензии у больных которых получают программный гемодиализ. Интрадиализная гипотензия на фоне высоких темпов УФ остается частым и потенциально опаснымсложнением процедуры гемодиализа, которая ухудшает отдаленный прогноз пациентов на гемодиализе главным образом вследствие роста сердечно-сосудистой заболеваемости и смертности. Новый подход к профилактике и коррекции гипотензии позволяет своевременно уменьшать скорость УФ, предупреждая развитие эпизодов гипотензии, снижая ее частоту и улучшая достижение целевых значений артериального давления.

Ключевые слова: хроническая болезнь почек, осложнения гемодиализа, артериальное давление, контроль артериального давления, гипотензия.

## NEW WAYS TO DIAGNOSE, PREVENT, AND REGULATE HYPOTENSIVE EPISODES ON PROGRAM HEMODIALYSIS

Ortikboyev J.O.,

Tashkent Pediatric Medical Institute, 223, Bagishamal street, Tashkent, 100140. <http://tashpmi.uz>.

### ✓ Resume

Chronic renal failure - CRF) is a symptom complex caused by irreversible death of nephrons in primary or secondary chronic kidney diseases. The frequency of CPN varies in different countries in the range of 100-600 per 1 million adults. The article provides monitoring of the effectiveness of various approaches and adjustments for episodes of hypotension in patients who receive program hemodialysis. Intradialysis hypotension with high UV rates remains a frequent and potentially dangerous complication of the hemodialysis procedure, which worsens the long-term prognosis of patients on hemodialysis mainly due to an increase in cardiovascular morbidity and mortality. A new approach to the prevention and correction of hypotension allows you to reduce the rate of UV in a timely manner, preventing the development of episodes of hypotension, reducing its frequency and improving the achievement of target blood pressure values.

Key words: chronic kidney disease, hemodialysis complications, blood pressure, blood pressure control.

### Долзарблиги

Интрадиализ гипотензия даволаш натижаларига аҳамиятили таъсири кўрсатувчи гемодиализнинг кўп учрайдиган асорати бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу асоратнинг олдини олиш ёки ҳеч бўлмаса унинг учраши сони ва ифодаланганлигини

камайтиришга имкон берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш сурункали буйрак касалликлари билан оғриган, шунингдек дастурли гемодиализ (ДГ) билан даволанаётган беморларда дастурли диализнинг адекватлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади, интрадиализ гипотензия (ИДГ) диализ муолажасининг энг кўп учрайдиган асоратидир.

ИДГ нафақат ГД барча муолажаларининг 20-30% да кузатилганлиги [4], балки тахминан 17,8% симптоматик ИДГ тиббий аралашувни талаб этганлиги боис ҳам долзарб клиник мумаммо бўлиб ҳисобланади [1]. ИДГ муммосининг долзарблиги гемодиализ муолажасини олиб боришида кўпинча симптомсиз кечувчи ҳаёт учун муҳим аъзолар - юрак ва бош мия ишемиясининг юзага келиши билан белгиланади. Оғир синдиализ гипотензия (синоним: ИДГ) миокард қисқарувчанлигининг маҳаллий бузилиши ва унинг "каратлиги" ёки "станнинг" ни келтириб чиқаради, бундай эпизодлар кўп карра такрорланганда миокард фибрози, систолик дисфункцияга олиб келади ва кардиоваскуляр ўлим ошади [2,3]. Шундай қилиб, J.O. Burton ва ҳаммуалифлар илмий ишларида оғир ИДГ ва миокарднинг локал қисқарувчанлигининг бузилиши орасида тўғридан-тўғри боялиқлик мавжудлиги ҳақида маълумотлар келтирилган [5,6]. ИДГ аритмиянинг юзага келишида сабабчи бўлиб ҳисобланади. Беморлар орасида ГД муолажасини кўтара олмаслик юзага келади, бу кўпинча диализ муолажаси вақтининг қисқаришига олиб келади. ИДГ юзага келганда тромбозлар хавфи ошади ва томирга тушиш имкони пасаяди [4,6]. Диализгача систолик артериал қон босими (АҚБ) паст бўлган ва томирлар қаттиклиги юқори бўлган инсонларда ИДГ эпизодлари оғир кечади, бу ҳаёт учун муҳим бўлган аъзоларнинг янада кўпроқ ишемиясига олиб келади [3,8,7]. Бош айланиши, кўнгил айнаши, қусиш, терлаш ИДГ симптомлари бўлиб ҳисобланади. Стенокардия, аритмиялар, хушдан кетиш, талваса ва юракнинг тўхтаб қолиши хавфли симптомларга киради. Холисзлик, терлаш, кўнгил айнаши, қусиш, кўз олдининг "милтиллаши", оғир ҳолатларда эса хушдан кетиш каби клиник симптомлар билан кечувчи систолик артериал қон қосимининг  $<90$  мм сим. уст. дан пасайиши эпизодлари (ЎРТА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИ) ёки интрадиализ ўрта қон босимининг 20-30 мм сим.уст. дан пасайишига асосланган ИДГ нинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, бу клиник амалиётда муҳим аҳамиятга эга, чунки бундай ҳолатда ўлим сонининг ошиши билан энг кучли алоқа аниқланган. ИДГ профилактикасига бўлган турлича ёндошувлар мавжуд: ГД вақтида кўп овқат истеъмол қилмаслик, диализ эритмаси ҳароратини индивидуаллаш зарур (тана ҳароратидан  $0,5^{\circ}\text{C}$  паст бўлиши), дегидратацияни назорат қилиш, ацетатли диализ ўрнига бикарбонат диализдан фойдаланиш, антигипертензив терапияни инкор этиши. Бунда диализ муолажаси вақтида суюқликни чиқариш тезлиги ёки УФ тезлигини пасайтириши профилактиканинг энг самарали усули бўлиб ҳисобланади: диализ вақтини ошириш, суюқликни диализ орасида қўшишини назорат қилиш (туз истеъмолини чеклаш), қўшимча муолажаларни тавсия қилиш. Ҳозирги вақтда янада кўп ултрафильтрация тезлигини бошқаришнинг дастурий-аппарат комплекслари каби ИДГ профилактикасининг янги ёндошувларидан фойдаланилмокда. Ушбу ёндошув bemornинг АҚБ ни доимий мониторингини олиб боришига асосланган. Беморнинг АҚБ ни ўлчаш натижалари унинг шахсий картасида сақланади, бу ҳар бир bemorga индивидуал ёндошув олиб бориш имконини беради. Компьютерли ўз-ўзини ўргатувчи алгоритм дастлабки бир неча муолажаларнинг динамикасини таҳлил қиласи ва ултрафильтрацияни бошқариш билан АҚБ ни мақсадли қийматларда ушлаб туриб, кейинчалик унинг ўзгаришларига тизимли рошишда мутадиллаштириш

жараёни кечади. Агар ИДГ нинг юзага келишига мойиллик аниқланса, алгоритм ё УФ тезлигини камайтиради ёки интерстициал бўшлиқдан бирмунча томирчи ҳажмини тўлдириш ва АҚБни стабилизация қилиш учун етарлича бўлган вақтга УФ ни тўлиқ тўхтатади. АҚБ нинг мақсадли қийматига эришгач УФ автоматик тарзда тикланади. АҚБ нинг доимий рошидаги онлайн мониторинги ва ИДГ нинг юзага келишига зудлик билан тизимли мониторинги реакцияси тавсия қилинаётган давонинг бундай ёндошувининг афзаллиги бўлиб ҳисобланади, яъни симптоматик синдиализ гипотензиянинг профилактикасига эътибор кучайтирилади. Бунда компьютерли алгоритм, адабиётларда келтирилган ва шахсий маълумотларга кўра ўлимнинг ошишига сабаб бўлувчи, УФ нинг юқори темпларига (соатига 12,4 мл /кг) ўтиб кетишига йўл қўймайди ва берилган УФ тезлигидан ошмайди [4].

Бироқ адабиётларда УФ ни назорат қилишининг компьютерли алгоритмини қўллаш бўйича маълумотлар кам келтирилган.

Амалиётда илмий фаразларни текшириш мақсадида ушбу тадқиқот иши олиб борилди.

## Материал ва усуллар

Тошкент шаҳридаги Республика нефрология ва буйраклар трансплантацияси ихтисослашган илмий-амалий тиббий марказида даволанаётган bemorlar тизимли рошидаги комплексларни тизимида тромбозларни таҳлилий кузатувимизда ГД да бўлган 35 нафар bemorlar даволаш жараёни таҳлилий ўрганилди. Беморларнинг ўртача ёши 52 ёшни ташкил қилди, уларнинг 16 нафари аёллар ва 19 нафар эркаклар. Тизими даво гемодиализнинг тавсия дозаси  $1,89 \pm 0,3$  (spKt / V), ўртача артериал қон босими ГД сеансидан аввал -  $124,6,6 \pm 27,7$  ва  $71,3 \pm 16,3$  мм сим. уст., эффектив вақт -  $255,6 \pm 18,2$  мин, УФ ўртача тезлиги - соатига  $8,03 \pm 3,6$  мл / кг, УФ ўртача ҳажми -  $2351,2 \pm 1125,6$  мл, қон оқими - дақиқасига  $325,4 \pm 46$  мл ни ташкил қилди.

Беморларда ИДГ профилактикасининг турлича ёндошувлари қўлланилди: стандарт ёндошув (гемодиализнинг дастлабки 4 сеансида bemorни аппаратга улашдан олдин ўлчанган диализдан аввалги АҚБ қайд этилди; кейин ГД сеанси вақтида камидан соатига 1 марта ёки ундан кўп АҚБ мунтазам ўлчаб турилди) ва УФ ни бошқаришнинг компьютерли блокини қўллаш ёндошуви (сунъий буйрак аппаратига (B. Braun Dialog+ Evolution) уланган қон босимини назорат қилишининг автоматик тизими - АСКД, опция BioLogic RR Comfort), кейинги диализ тизимларидаги интеллектуал ёндошув тизимини қўллаб, ҳар бир аниқ bemorларда индивидуал тарзда АҚБ чегараларини автоматик тарзда ўрнатиб, АҚБ ўлчовларининг кузатув назорат натижалар эгриликларини таҳлил қиласи, бу ўлчовлар интервалини шакллантириб, АҚБ ҳақида маълумотларни олишга имкон беради. Ўртача артериал қон босимининг пастки чегарасига эришилганда тизим, амалиёт шифокорларига хабар бериб, қисман ёки тўлиқ УФ тезлигини чеклайди, бу ИДГ ҳолатидазудлик билан эътибор қаратишга имкон беради (расм 1). УФ ни бошқариш блокидан фойдаланишда З муолажа давомида АҚБ ҳар 5 дақиқада 1 марта ўлчанди, бу АҚБ эгриликларини тузиш учун статистик маълумотларни тўплаш ва ИДГ эпизодларини прогнозлаш учун зарур. 4-муолажадан бошлаб АҚБ ни ўлчаш



интерваллари алгоритм билан автоматик тарзда ўрнатилди. Сүнгги ўлчаш беморни аппаратдан ўчирилгандан сүнг олиб борилди (диализдан кейинги АҚБ). Диализдан кейин ўртача вазн  $67,9 \pm 11,4$  кг, "куруқ вазн" биоимпеданс таҳлили бўйича -  $67,4 \pm 11,2$  кг ни ташкил қилди. Ўртача диализдан кейинги вазн ўлчангандан "куруқ вазн" дан, умумқабул қилинган, ("куруқ вазн" + 0,5 кг = диализдан кейинги вазн) 0,52 кг га кўп бўлган. Тадқиқотда, кузатув даврида ГД сеансигача, сеанс вақтида ва сеансдан кейинги вақтда ўлчангандан, АҚБ нинг ўртача маълумотларидан фойдаланилди. Ўзгарувчан қиймат сифатида кузатув давомидаги ўлчовларнинг ўртача қийматларидан фойдаланилди. Ўрта артериал қон босимининг <90 мм рт. ст дан пасайиши, муолажа давомида ўрта артериал қон босимининг 20 мм сим. уст ва ундан ќўпга пасайиши ва клиник симптомларнинг намоён бўлиши гипотензия эпизодлари бўлиб ҳисобланди. ГД да ИДГ ривожланишининг хавф омили бўлиб ҳисобланган ўрта артериал қон босимининг <100 мм сим. уст бўлиши диализдан аввалги паст дараҷа деб ҳисобланди. Ўлчов B. Braun Dialog+ "сунъий буйрак" аппаратига ўрнатилган АҚБ ни ноинвазив ўлчаш блоки ёрдамида олиб борилди. Статистик таҳлил Statistica 6.0 статистик дастури ёрдамида олиб борилди (StatSoft Inc., США). Ёзма ва вариацион статистиканинг стандарт усулларидан фойдаланилди: қийматлар мөърий тақсимланганда ўртача қиймат, интерквартил кўлами ва стандарт оғишни ҳисоблаш, ёки медианани аниқлаш. Мөърий тақсимлаш билан ўзгарувчан қийматни таққослаш учун t Стыюент тестидан фойдаланилди. Мөърдан фарқ қилувчи тақсимлаш маълумотларини таққослашда Вилкоксон тестидан фойдаланилди. Тафовутлар  $p < 0,05$  бўлганида статистик аҳамиятга эга бўлди.

### **Натижка ва муҳокамалар**

Текширувнинг боришида ЎРТА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИНИНГ диализдан аввалги, диализдан кейинги диастолик АҚБ (ДАҚБ) ва ўрта АҚБ, ҳамда беморларда гипотензия коррекциясида турли ёндошувлар ќўлланилган АҚБ нинг интрадиализ вариациялари даражалари таққосланди. Таққослаш натижасида ўртача диализдан аввалги ўрта артериал қон босими ва ДАҚБ стандарт ёндошувда АСҚД ни қўллаш га нисбатан статистик жиҳатдан паст бўлди:  $124,6 \pm 27,74$  ва  $74,45 \pm 21,13$  мм сим. уст. ва  $133,2 \pm 25,8$  ва  $79,3 \pm 20,5$  мм сим. уст ( $p < 0,001$ ;  $p = 0,009$  мос равиша). Диализдан кейинги ЎРТА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИ ва ДАҚБ маълумотлари бир-биридан фарқ қилди: стандарт терапияга нисбатан АСҚД кўллагандаги АҚБ юқори бўлди -  $125,7 \pm 24$  ва  $75,9 \pm 18,3$  мм сим. уст. ва  $114,3 \pm 24,4$  ва  $71,2 \pm 16,3$  мм сим. уст. ( $p < 0,001$  мос равиша). Интрадиализ вариация маълумотлари статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди: АСҚД кўллаганда АҚБ қиймати юқори бўлди ( $p = 0,03$ ;  $p = 0,02$ ) -  $124 \pm 20,5$  ва  $75,9 \pm 14,2$  и  $110,2 \pm 17,3$  ва  $68,3 \pm 17,9$  мм сим. уст. (расм 2). Интрадиализ вариация текширилганида ўрта АҚБ маълумотлари ўхшаш натижага эга бўлди:  $82,5 \pm 13,9$  ва  $91,5 \pm 15,6$  мм сим. уст. ( $p = 0,01$ ). Шундай қилиб, УФ ни назорат қилиш тизимини қўллаш интрадиализ ўрта артериал қон босими қийматини 14 мм сим. уст., ДАҚБ -8 мм сим. уст., ўрта АҚБ ни эса-10 мм сим. уст.га ошишига олиб келди. Муолажани олиб бориш вақтида ИДГ частотаси УФ тезлигини автоматик назорат қилиш блокини қўллаш

билан 8,3 % га қарши консерватив ёндошувда 26,2 % ни ташкил қилди (расм 3). УФ нинг ўртача тезлиги қийматларда аҳамиятли тафовутларни кўрсатмади ва BioLogic RR Comfort алгоритмини ќўллашда соатига 7,9 мл / кг га қарши стандарт ёндошувда соатига 8,2 мл / кг ни ташкил қилди. УФ тезлигини назорат қилишнинг алгоритми ќўлланилганда муолажанинг ўрта вақти 3 дақиқага бироз ошиди, бу Kt/V коэффициентининг ошишига олиб келмади. УФ тезлигини назорат қилишнинг алгоритми ќўлланилган беморларда фосфор даражаси пасайди ва референс қийматга кирди - 1,5 ммоль / л га қарши 1,8 ммоль / л; бироқ маълумотлар статистик аҳамиятга эришмади ( $p = 0,07$ ). Коидага кўра глюкоза гиперосмоляр эритмасининг интервенцияси микдори 27 га қарши 86 га ошиди. ГД муолажаси вақтида адабиётларда кўплаб илмий нашрлар чоп этилган ИДГ нинг клиник аҳамияти бу гунги кунда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Мавжуд маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ГД сеанси вақтида АҚБ нинг аҳамиятли вариациялари клиник яқунга салбий таъсир кўрсатади [1,4]. Бунда диализ муолажаси вақтида, бир неча бор, оғир кечувчи, гипотензия эпизодининг (ўрта артериал қон босимининг <30 мм сим. уст. пасайиши) юзага келиши хавфли асорат бўлиб ҳисобланади, ва нафақат ГД ни кўтара олмасликка олиб келади, балки тибий ходимнинг аралашувини талаб этади (УФ ни ўчириш, глюкоза гиперосмоляр эритмасининг интервенцияси олиб бориш, физиологик эритма қуиши, ГД муолажасини тўхтатиши), бу даволаш сифатида ўз аксини топади [3], шунингдек кардиоваскуляр ҳолатлар, жумладан бемор ўлими, частотасини оширади [2]. ИДГ ишемиянинг такrorий эпизодлари ва миокарднинг маҳаллий қисқарувчанинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, миокард фибрози ва юрак етишмовчилигининг ривожланишига олиб келади [1]. Бу УФ тезлиги юқори бўлган беморларда асоратларга олиб келиб, АҚБ вариацияларининг қучайиши ва АҚБ чегараларининг кенгайишига олиб келади [3]. Бу ҳолат қийинчиликларни келтириб чиқарган, чунки АҚБ ни мөъёлаштириш учун "куруқ вазн" га эришишга уриниб кўришда амалиётдаги шифокорлар АҚБ ни агрессив тарзда мақсадли қийматтагача пасайтирганлар, бу ўлимнинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган. Ушбу тадқиқот ИДГ нинг тарқалиши, олдини олиш ва коррекциясига бағишлиланган. Текширувга киритилган, кузатув давомида беморларнинг, ГД муолажаси вақтида қайд этилган ва Nexadia тибий информацион тизимида ёзиб олинган АҚБ нинг индивидуал маълумотларига эга бўлган ҳолда биз пациентларнинг 2 турухини таҳлил қилдик. ИДГ профилактикаси ва коррекциясида стандарт ёндошув, УФ тезлигини автоматик бошқаришнинг тизими ва АҚБ нинг мақсадли қийматларига эришиш учун "куруқ вазн" коррекцияси усулини таққослаш олиб борилди. Биз АСҚД нинг ИДГ профилактикасида нафақат унинг афзаллиги, балки УФ тезлигини бевосита бошқара олишини намойиш қилиб бера олдик: ИДГ эпизодини коррекция қилиш учун глюкоза гиперосмоляр эритмасининг интервенция сонининг пасайиши ИДГ тарқалганлиги пасайишнинг ножӯя эффектларидан бири бўлиб ҳисобланди, бу тибий ходимга нисбатан юкламани камайтириди. Куттанимизчалик текширувдаги гуруҳларда Kt / V даражаси аҳамиятли фарқ қилмади. Алгоритмни қўллаш билан даволанаётган беморларда фосфатларнинг ўрта микдори, алгоритмсиз муолажа олган беморлардан

фарқли равишида, референс қийматларда бўлди. Бу эффектив диализ вақтининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Илмий ишимизнинг бу қисмидаги натижалар кўп жиҳатдан адабиётларда келтирилган маълумотлар билан, масалан, C. Chazot ва G. Jean шархлари мос келади, бунда диализ давомийлиги фосфат даражасининг пасайиши билан тўгридан-тўгри боғлиқ бўлган [4]. АҚБ ни интенсив назорат қилиш билан АҚБ <120 мм сим.уст. бўлган гуруҳда умумий ўлим кўрсаткичининг 27% га ва юрак -қон томир касалликларидан ўлимнинг 43% га пасайиши кузатилган [3]. Шунга қарамай, бу гуруҳда гипотензия, ҳушдан кетиш, буйракларнинг ўтириш шикастланиши ёки буйракларнинг етишмовчилиги каби ноxуш ҳолатлар юқори учраши сони кузатилган. Биз томондан олинган маълумотлар (диализдан кейинги ЎРТА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИ BioLogic RR Comfort алгоритмини кўллагандан 125,8 мм сим. уст.ни ташкил қилди) ушбу тадқиқотнинг мақсадли натижаларига яқин бўлди. Бу, айнан диализ популяцияси учун долзарб бўлган, ушбу беморлар учун кардиоваскуляр хавфнинг пасайиши ҳақида далолат беради. Текширувларимизда ИДГ профилактикаси ва коррекциясига стандарт ёндошув олиб борилган bemorларда диализдан кейинги ЎРТА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИ 115,7 мм сим. уст. ни ташкил қилди, бу эса кардиоваскуляр ўлимнинг ва гипотензия хавфнинг ошишига олиб келади, шунингдек бу маълумотлар SPRINT тадқиқотлари маълумотларига ҳам мос келади. BioLogic RR Comfort алгоритмидан фойдаланганда ИДГ тарқалганигининг 18% га пасайишини эътиборга олган ҳолда ижобий клиник натижа ҳақида гапириш мумкин. Бизнинг маълумотлар, ИДГ тарқалганигининг пасайиши 25 % ни ташкил қилган, Италиядаги 15 та диализ марказларини ўз ичига олган катта тадқиқотларнинг маълумотларига мос келади [4]. Реал клиник амалиёт шароитида муаммони ўрганиш ва тадқиқотга киритилган bemorлар селекциясининг мавжуд эмаслиги (гипотензияга мойилдан ташқари) илмий ишимизнинг жулосавий томони бўлиб ҳисобланади.

## Хуноса

ИДГ УФ нинг юқори жараёнида кўп учрайдиган ва ГД муолажасининг потенциал хавфли асорати бўлиб қолмоқда, у асосан юрак-қон томир касалликлари ва ўлимнинг ўсиши оқибатида bemorларнинг ГД га узоқ муддатли прогнозини оғирлаштиради.

АСКД ни кўллаш билан диализ муолажасини олиб боришида гипотензиянинг профилактикаси ва коррекциясининг янги усули, гипотензия эпизодларининг ривожланишини олдини олиш, АҚБ нинг диализдан олдин ва диализдан кейинги кузатиб туриш, шунингдек унинг интрадиализ вариацияларини тизимли кузатишни яхшилаб, УФ тезлигини ўз вақтида ўзгартириш имконини беради.

ИДГ учрашининг 26 дан 8 % га пасайишига эришилди.

АСКД ни кўллаш глюкоза гипертоник эритмаси интервенцияси миқдорининг пасайиши эришилди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гилевич А.В. Кожная электроимпедансометрия в оценке адекватности общей анестезии: автореф. дис. канд. мед. наук. - Новосибирск, 1996. - 18 с.
2. Федорова Ю.Ю. Факторы, влияющие на частоту интрадиализной гипотонии у пациентов, получающих лечение программным гемодиализом / Ю. Ю. Федорова // Материалы XVI Всероссийской медико-биологической конференции молодых исследователей "Фундаментальная наука и клиническая медицина - Человек и его здоровье". - СПб, 2013. - С. 424-425.
3. Шишкин А. Н. Современные представления об этиологии и патогенезе интрадиализной гипотонии (обзор литературы) / А. Н. Шишкин, Ю. Ю. Федорова // Вестник Санкт-Петербургского Университета. - 2012. - № 3. - С. 23-33.
4. Janssen I., Heymans S.B., Baumgartner R.N., Ross R. J. Appl. Physiol., 2000, vol. 89, no. 2, pp. 465-471.
5. Zhou Y.L., Liu H.L., Duan X.F. et al. Impact of sodium and ultrafiltration profiling on haemodialysis-related hypotension // Nephrol. Dial. Transplant. 2006. Vol. 21. P. 3231-3237.
6. Строков А.Г., Терехов В.А. Показатель относительного объема крови у пациентов на программном гемодиализе // Нефрология и диализ. 2010. Т. 12. С. 101-105.
7. Бикбов Б.Т., Томилина Н.А. Состояние заместительной терапии больных с хронической почечной недостаточностью в Российской Федерации в 1998-2007 гг. // Нефрология и диализ. 2009. Т. 11. С. 146-222.
8. Gabrielli D., Krystal B., Katzarski K. Improved intradialytic stability during haemodialysis with blood volume-controlled ultrafiltration // J. Nephrol. 2009. Vol. 22. P. 232-240.

Келиб тушган вақти 16.06. 2020